



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Муборак Қурбон ҳайити байрамини маҳаллаларда муносиб тарзда кутиб олиш ҳамда юқори савияда ўтказиш мақсадида тегишли вазифаларни белгилаб олди.



Маҳалланинг "Telegram" гуруҳини ташкил этиб, унда муаммоларни муҳокама қиламиз, ечимни устида фикрлашамиз. Одамлар идорага келолмаса-да, шу гуруҳ орқали муаммосини ёза олади.



2024 йил
15 июнь,
ШАНБА

Маҳалла

№30
(2168)

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСIIЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФIIЙ ГАЗЕТАСИ

WWW.UZMAHALLA.UZ

БУГУНГИ СОНДА:

Ҳоким ёрдамчисига қирқ хунар ҳам оз

Дастлаб 27 сотих ташландик ерда иш бошлагандим. Бу жойни қисқа даврда ҳосилдор ва унумдор майдонга айлантирдик. Вақт ўтиб, ҳудуд янада кенгайиб, дехқончилик майдони 39 сотихга етди. Бугун томорқада турфа хил мевалар парваришляпман, балиқчилик хўжалиги, паррандачиликни йўлга қўйганман.

3-с.

“Меҳнатга яраша ойлик маош таклиф этилса...”

Мигрантлар таклиф қилинган доимий ишга қайтишни истамаяпти. Асосий сабаб – ойлик маош кам. Масалан, ҳудуддаги мебель цехи, қоп ишлаб чиқариш заводидаги бўш иш ўринларига қабул қилинган ходимга 1,5 миллион сўм ойлик таклиф этиляпти. Меҳнатига яраша ойлик маош таклиф этилса, шу ерда ишловчилар сони ортарди.

4-с.

“Жиноятга мурасисизлик ҳисси шаклланыпти”

Маҳаллаларда ҳуқуқ-тартибот масканларининг ташкил этилиши жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга хизмат қилмоқда. Яқинда бизнинг маҳаллада ҳам 2-сонли ҳуқуқ-тартибот маскани фойдаланишга топширилди.

6-с.

Болалар бобо- бувиси қўлида тарбия топса...

“Қиз бола бировнинг омонати. Эртага кимнингдир уйига борсанг, сенга қараб ота-онанга баҳо беради. Бизни юзимизни ёруғ қиладиган фарзанд бўлгин, болам”. Баъзан бу ўгитлар жуда сийқаси чиққандек, жажлимини чиқарди, баъзида эйтибор бермасликка ҳаракат қилардим. Лекин уйлари чиннидек тозаласам, ҳовлининг ўтларини юлсам, олдига чақириб, жуда узоқ дуо қиларди.

7-с.

“Еттилик” ташаббускор бўлса, ечимсиз муаммолар бўлмайди

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъулларидан иборат Республика ишчи гуруҳлари ҳудудларда бўлиб, “маҳалла еттилиги” фаолияти, аҳолининг томорқа маданияти, бандлик масалалари ижросини кўздан кечиришти

ИШЧИ ГУРУҲ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев Қашқадарё вилояти Қарши туманида очиқ мулоқот ўтказди.

Унда сектор раҳбарлари, ҳоким ўринбосарлари, “маҳалла еттилиги” ҳамда тегишли масъуллар иштирок этди. Очиқ мулоқот тарзида ўтказилган учрашувда туманни янада ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, сектор ва маҳаллалардаги ташкилий ҳамда амалий тадбирлар, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш каби йўналишларда сўз юритилди. Тадбирда йиғилганлар айна масалалар бўйича ўз

фикр-мулоҳазаларини баён қилди.

Қаҳрамон Қуронбоев бошчилигидаги Республика ишчи гуруҳи Фарғона вилоятида аҳоли турмуш шароити ва маҳаллаларда амалга ошириляётган ишларни ўрганди.

Ўрганишлар давомида Бағдод, Учкўприк ва Бувайда туманларига таширф буюрилди. Унда “маҳалла еттилиги” фаолияти билан танишилди, “еттилик”нинг ҳар бир аъзоси билан бирма-бир суҳбат ўтказилди. Шунингдек, маҳаллаларда аҳоли хонадонларида бўлиб, уларнинг “Сайхунобод тажрибаси” асосида томорқадан фойдаланиш маданияти ҳамда паррандачиликдан қўшимча маблағ топаётгани кўздан кечирилди.

Давоми 2-саҳифада.



МУНОСАБАТ

“ҲАР БИР ХОНАДОНГА МАҲАЛЛА СИЁСАТИ КИРИБ БОРЯПТИ”

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 7 ИЮНЬ
ЖУНИ ПРЕЗИДЕНТ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
МАҲАЛЛАМИЗГА КЕЛИБ,
АҲОЛИ ТУРМУШ ШАРОИТИ
БИЛАН ЯҚИНДАН ТАНИШИДИ.
ШУ ЕРДА “МАҲАЛЛА
ЕТТИЛИГИ” ВАКИЛЛАРИ
БИЛАН СУҲБАТЛАШИБ,
ТИЗИМДАГИ ЎЗГАРИШЛАР
ҲАҚИДА ФИКР АЛМАШДИ.



Давоми 2-саҳифада.

ЯНГИ НОРМА

Маҳаллани тузиш ва бўлиш тартиби ўзгарди

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 20 майдаги тегишли қарори билан “Шаҳарлар, шаҳарчалар, кшплоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Ҳукумат қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Қарорга кўра, маҳаллаларни тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида идоралараро доимий комиссиялар тузилади. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ҳудудий бошқармалари мазкур комиссияларнинг ишчи органлари саналади.

Маҳаллаларни тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш ваколати фуқаролар йиғинлари илтимоси бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашига ўтказилади (илгари фақат вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар ва Тошкент шаҳрида шундай тартиб бор эди).

Давоми 2-саҳифада.

Президент фармонида биноан, барча ходимлар учун (иш ҳафтасининг туридан қатъи назар) 2024 йил 18 июнь — сешанба кўшимча дам олиш кuni этиб белгиланган.

Шунга кўра, Қурбон ҳайитида 6 кунлик иш ҳафтасида ишлайдиган ходимлар кетма-кет 3 кун, 5 кунлик иш ҳафтасида ишлайдиган ходимлар 4 кун кетма-кет дам олишади. Яъни:

- ☑ 15 июнь — шанба, 5 кунлик иш ҳафтасида ишлайдиган ходимлар учун дам олиш кuni;
- ☑ 16 июнь — якшанба, барча ходимлар учун умумий дам олиш кuni.

ҚУРБОН ҲАЙИТИДА

НЕЧА КУН
ДАМ ОЛАМИЗ?

2-саҳифада.

БИЛИШ ҚЎЙИМИЗ!

Қурбон ҳайити 16 июнь — якшанбага тўғри келди, шунга кўра, 17 июнь — душанба дам олиш кuni бўлади. Меҳнат кодексининг 208-моддасига асосан, дам олиш кuni ишланмайдиган байрам кунига тўғри келган тақдирда, дам олиш кuni байрамдан кейинги иш кунига кўчирилади.



Корея Республикаси
Президенти Юн Сок Ёль
13-15 июнь кунлари
ДАВЛАТ ТАШРИФИ
билан мамлакатимизда
бўлади.



Президент
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
Америка Қўшма
Штатларининг Савдо
вакили Кэтрин Тайни
қабул қилди.



Шавкат Мирзиёев
Ўзбекистонда
ОЗАРБАЙЖОН
МАДНИЯТИ КУНЛАРИ
иштирокчиларига табрик
йўллади.

ИШЧИ ГУРУХ

“Еттилик” ташаббускор бўлса, ечимсиз муаммолар бўлмайди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Бувайда туманида ёш тadbirkorлар билан учрашув ўтказилди.

Айтиш кераки, туманда маҳалладаги бўш турган бинолардан самарали фойдаланиш, чекка ҳудудларда тadbirkorлик фаолиятини ривожлантириш орқали ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида айна вақтда фаолият олиб бораётган ўқув маркази биноси тadbirkorга “ноль” қийматда берилган. Тadbirkor Шоира Каримова замонавий бинода хорижий тиллар ва “IT” йўналишида ўқув курслар ташкил этган. 28 та иш ўрни яратилган муассасада тикалаётган аёллар ва болалар либослари маҳаллий, шунингдек, хориж бозорларига кириб бормоқда.

Ўрганишлар давомида Учкўприк туманида “Бегобод” маҳалласи учун давлат-хусусий шериклик асосида қурилган замонавий бино фойдаланишга топширилди. Мазкур маҳалла мажмуасида аҳоли ва ёшларга хизмат қиладиган, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳамда бандлигини таъминлашга қаратилган яна бир қатор қўшимча лойиҳалар амалга оширилиши кўзда тутилган.

Қаҳрамон Қуронбоев Риштон туманида кулчиликда ўзига хос мактаб яратган хунарманд билан учрашди. Тadbirkor Шокиржон Аҳмаджонов таъсис этган “Мингбоши керамика” оилавий корхонаси йилига 2 миллион донга сопол буюмлари ишлаб чиқаради, корхонада 102 та доимий иш ўрни яратилган. Бундан ташқари, қасаначилик асосида ҳудуддаги 550 нафар аҳоли бандлиги таъминланган. Риштоннинг уста куллолари тайёрлаётган сопол буюмлар бугунги кунда МДХ, Россия, АҚШ, Туркия, Германия, БАА давлатларига экспорт қилинмоқда.



Республика ишчи гуруҳининг Жиззах вилоятидаги ўрганишлари давомида Фориш туманидаги маҳаллар фаолияти кўздан кечирилди.

Дастлаб Ишчи гуруҳи йиғилиши ташкил этилди. Унда туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш таҳлили, иқтисодий кўрсаткичлари, сектор ва маҳаллардаги ташкилий ва амалий тadbirkorлар, маҳаллада ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш йўналишидаги ишлар, аҳоли бандлигини таъминлаш ва тadbirkorликни ривожлантириш, маънавий-маърифий, маданий ва оилавий спорт тadbirkorларини ўтказиш ҳамда Уюшма ва “маҳалла еттилиги” фаолияти самарадорлигига эътибор қаратилади.

Ишчи гуруҳи аъзолари тумандаги “Қўлба”, “Богдон” ва Амир Темуր номли маҳаллаларда бўлиб, “маҳалла еттилиги” фаолияти, маҳалларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳаллада аҳоли бандлигини таъминлаш ва тadbirkorликни ривожлантириш, маънавий-маърифий, маданий ишлар аҳолини атрофлича ўрганди. “Хонадонбай” иш олиб борилиб, хонадонма-хонадон юриш орқали аҳоли муаммолари ўрганилди. Ечимини кутаётган масалалар бўйича тегишли топшириқлар берилди.

ЯНГИ НОРМА



Маҳаллани тузиш ва бўлиш тартиби ўзгарди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Санжар ИБРОҲИМОВ.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси республикадаги барча маҳаллаларни хатловдан ўтказди, уларнинг аниқ чегараларини белгилаб, ҳар бир маҳалланинг чегараси бир аҳоли пункти (шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овул) доирасида бўлишини таъминлайди. Мавжуд маҳаллалар фаолияти ташкилий ва молиявий жиҳатдан тўғри йўлга қўйилгани, бошқарув жиҳатидан ўзини оқлаши юзасидан ўрганишлар олиб борилади ҳамда ушбу талабларга жавоб бермайдиган маҳаллаларни бирлаштириш ва ихчамлаштириш чоралари кўрилади.

Янги тартибга кўра, маҳаллалар ҳудудларнинг тарихий хусусиятларини, қондага кўра, камида 400 та хонадон мавжуд (илгари камида 500 оила яшаши ҳисобга олинарди) аҳоли пунктларининг географик жойлашшини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади. Маҳаллалар, истисно ҳолларда, ҳудудий Кенгашлар қарори билан 400 тадан кам хонадонлари мавжуд (илгари 500 нафардан кам аҳоли, лекин камида 100 оила яшаши талаб этиларди) бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда ҳамда харбий шаҳарчаларда ташкил этилиши мумкин.

Қарор билан Низомнинг 9-банди, яъни “Агар шаҳарча, қишлоқ ва овулнинг фуқаролар йиғини ҳудудда кўпи билан 1500 оила истиқомат қилса, ушбу шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларда маҳаллалар тузилмайди”, деган банд олиб ташланди.



Низомнинг 15-банди янги тахрирда баён этилиб, 16-, 18- ва 19-бандлар ўз кучини йўқотди. Унга кўра, туман (шаҳар) ҳоқими маҳаллани тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш тўғрисида шаҳарча, қишлоқ, овул ёки шаҳар маҳаллаларининг фуқаролар йиғини киритган таклифларини ўн беш кун муддатда (илгари 5 кун) кўриб чиқади ҳамда ахборотнома тайёрлаб, тўпланган ҳужжатлар билан биргаликда кўриб чиқиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳоқимликлари ҳузуридаги Маҳаллаларни тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш масалалари бўйича идоралараро доимий комиссияга тақдим этади (илгари туман ва шаҳар Кенгашига тақдим этиларди).

Идоралараро комиссия таклифларни ўн беш кун муддатда бевосита жойига чиқиб ўрганади ҳамда таклифларни қаноатлантириш ёки қаноатлантирмаслик тўғрисида ҳулоса тайёрлайди. Ҳулосани кўриб чиқиш учун ҳудудий Кенгашларга 3 кун муддатда киритади. Кенгашлар навбатдаги сессияда Идоралараро комиссиянинг ҳулосаси асосида маҳаллани тузиш, бирлаштириш, бўлиш (уларнинг чегараларини белгилаш ва уларга ном берган ёки уларнинг номини ўзгартирган ҳолда) ва тугатиш тўғрисида ёхуд ушбу таклифни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

Маҳаллаларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартиришни шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва шаҳарлар маҳаллаларининг фуқаролар йиғинлари илтимосномалари асосида ҳудудий Кенгашлар амалга оширади (илгари бу ҳуқуқ туман-шаҳар Кенгаши ваколатида эди).

МУНОСАБАТ

“Ҳар бир хонадонга маҳалла сиёсати кириб борапти”

Саида ТўЛАЕВА,
Яшнобод туманидаги “Дилбоғ” маҳалласи раиси.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Маҳаллада 5 200 нафардан ортиқ аҳоли яшайди. 26 та кўп қаватли уй, мактаб ва боғчалар, савдо шохобчалари атрофи обод қилинган. Юртимизда ҳар бир маҳалла ихтисослашувдан келиб чиқиб ривожлантирилмоқда. Дилбоғликлар, асосан, тadbirkorлик ва хунармандлик билан шуғулланади. 15 та савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаси, битта ишлаб чиқариш корхонаси, таълим муассасаларида аҳоли доимий иш билан банд.

Утган йили аҳолини тadbirkorликка жалб қилиш учун 13 та лойиҳага кредит ажратилган. 300 нафарга яқин фуқаро янги ишга жойлаштирилди. Ёшларни касбга ўргатиш учун мономарказ ташкил этилган. Маҳаллага банк масъуллари бириктирилган, улар орқали қўшимча даромад манбаларини топиш, аҳолини бандлигини таъминлаш чораларини кўряпти.

Шавкат Мирзиёев “маҳалла еттилиги” билан мулоқотда бугун барча масалалар маҳалла даражасида ҳал этилаётгани, давлат ташкилотлари маҳаллага тушиб ишлаётганини қайд этиб, энди одамларни қийнаётган муаммолар маҳалланинг ўзида ечим топиши зарурлигини қайд этди.

Сайхунбод туманидаги маҳаллага ташрифдан сўнг қувонарли янгиликка эга бўлди. Уйлаб кўринг, бугун маҳаллага банк вакиллари, маъмуриятчи келяпти. Банк бошлиқлари раисга “ҳудудингизда қандай муаммо бор?”, деган савол билан мурожаат қиляпти. Демокриманки, аҳоли қадр-қимматини кўтаришга қаратилган ҳаракатлар кундан-кунга ортапти.



Энг асосий янгиликлардан яна бири — давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва қарори билан маҳалла раиси нуфузи яна бир қарра оширилди. Ҳозир маҳалла раислари кўл остидаги жамоаси бошини қовуштириб, ҳар бир хонадонга маҳалла сиёсатини, ислоҳотларни, умуман, Янги Ўзбекистон нафасини олиб киряпти.

Ташриф доирасида Шавкат Мирзиёев маҳалламизда жойлашган Тошкент шаҳар футбол академиясини кўздан кечирди. Ҳозир бу ерда 18 ёшгача бўлган 154 нафар бола сабоқ олмақда. Президент мактаб фаолияти билан танишар экан: “Футбол бўйича қарорларимиз, иқтисодий болаларга эътибор берганимиз тўғрисида ўзбек футболли жаҳонга чиқа бошлади. Европа жамоаларида легионерларимиз кўпайпти. Ёшларимиз Олимпиадага йўлланма олди. Бу давомий бўлиши учун энди маҳаллаларда футболни ривожлантириш керак. Қўшимча стадионлар қуриб, унинг оммавийлигини қўллаб-қувватлаш зарур”, — деди.

Умуман олганда, давлатимиз раҳбари ташрифидан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Олдимизга янада улкан мақсадларни белгилаб олдик. “Маҳалла еттилиги” билан биргаликда одамларни рози қилиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, оилаларга фаровонлик улашиш борасида аниқ режаларни туздик. Уйлайманки, бизга берилган ваколат ва имкониятлардан самарали фойдалансак, маҳалла ечимини топмайдиган масала қолмайди.

ШУКРОНАЛИК

Меҳр-оқибат, бағрикенглик, мурувват айёми

Муборак Қурбон ҳайитининг маънавий ҳаётимизда меҳр-оқибат, бағрикенглик, мурувват, дўстлик ва ҳамжихатлик каби эзгу тамойилларни мустаҳкамлаш борасидаги ўрни ва аҳамияти бекиёсир. Шу маънода Президент алоҳида ҳужжатга — “Муборак Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида”ги қарорга имзо чеқди.

Қарорга асосан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва бошқа ҳамкор ташкилотлар ушбу улғу айёмни халқимизнинг миллий анъана ва урф-одатларига уйғун ҳолда ўтказиш учун тегишли чора-тadbirkorларни амалга оширади. Муборак Қурбон ҳайити кунларида мўътазар зиёратгоҳлар ва тарихий қадамжоларга зиёратларни ташкил этиш мақсадида қулай шароит ва

имкониятлар яратилади. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси қутлуғ байрамни муносиб кутиб олиш ҳамда юқори савияда ўтказиш мақсадида тегишли вазифаларни белгилаб олди. Хусусан, ҳар бир маҳаллада ишлар “кўчабай” ва “хонадонбай” ташкил этилади. Масжидлар, қабристонлар, қадамжолар, истироҳат боғлари, хиёбонлар ва бошқа аҳоли гавжум жойларда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш чоралари кўрилади.

Барча маҳаллаларда, айниқса, қўшни давлатлар билан чегарадош йиғинларда “маҳалла еттилиги” “Огоҳлик, хушёрлик – давр талаби” мавзусида тарғибот ва тушунтириш

ишларини олиб боради. Масжид ва қабристонларга кўчабоши ва уйбошилар бириктирилади. Жамоатчилик вакиллариини фаол жалб этган ҳолда, масжидлар, зиёратгоҳлар,

Ҳайит байрамиди “маҳалла еттилиги” аъзолари фуқаролар билан турли хил даъво зиддиятчи вазиятларни оғир вазият ва ҳудудий муаммолар билан ҳал этиш чораларини кўради.



қадамжолар, истироҳат боғлари, хиёбонлар ҳамда қабристонлар, уларга туташ кўчалар тартибга келтирилади, тазолаш ва ободонлаштириш ишлари бажарилади.

Ҳоқимликлар ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ёрдамга муҳтож ва эҳтиёжманд шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оилалар ва маҳаллаларда меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш билан боғлиқ ташкилий ишларни янада кучайтиришга алоҳида аҳамият қаратилади. Ҳоқимликлар

ва саҳоватпеша тadbirkorлар берадиган турли ёрдамлар байрам арафасида аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларига манзилли етказилади.

Ҳар бир маҳаллада ёрдамга муҳтож ногиронлар, ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотган фуқаролар, кам таъминланган оилаларга ҳамда “Меҳрибонлик”, “Мурувват”, “Саховат” уйларига моддий-маънавий ёрдам қўрсатилади. Ҳайит байрамиди “маҳалла еттилиги” аъзолари фуқаролар билан турли хилдаги зиддиятчи вазиятларни оғир-вазмин ва ҳушмуомаллик билан ҳал этиш чораларини кўради.

Маҳаллалардаги “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари ва бошқа жамоатчилик тузилмалари, маҳалла фаоллари байрам кунлари нарх-навоининг асоссиз равишда ўсиши устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширади.



Давлатимиз раҳбари
Инсон ҳуқуқлари бўйича
тўртинчи анъанавий
САМАРҚАНД ФОРУМИ
иштирокчиларига табрик
йўллади.



Президент ТУРКИЯ ва
САУДИЯ АРАБИСТОНИ
билан иқтисодий ва
инвестициявий ҳамкорлик
бўйича келгуси режаларни
кўриб чиқди.



1 июлдан эътиборан,
“Шарқ”, “Насаф” ва
“Ўзбекистон”
поездларида
чипта нархи
25 ФОИЗГА ОШАДИ.

ИБРАТ



Ҳоким ёрдамчисига қирқ хунар ҳам оз

Ердан унумли ва самарали фойдаланиш тўғрисида кўп гапираемиз. Аммо уни қандай бошқаришни ҳамма вақт амалда кўрсатиб беравермаймиз. Кимгадир ниманидир тавсия этишдан аввал шу ишни бажариб берсангиз, натижа янада яхши бўлишига тажрибада гувоҳ бўламан.

Жавлон НАЗАРОВ,
Хонқа туманидаги
“Ойдин ҳаёт” маҳалласи
ҳоким ёрдамчиси.

Фаолиятимни шу мақсад асосига ташкил этганман. Маҳалладошларга ердан самарали фойдаланиш мумамалда исботлаб

бераётганим сабабли томорқадан унумли фойдаланаётганлар сафи кенгайиб бормоқда.

Дастлаб 27 сотих ташландиқ ерда иш бошлагандим. Бу жойни қисқа даврда ҳосилдор ва унумдор майдонга айлантирдим. Вақт ўтиб, худуд янада кенгайиб, деҳқончилик майдони 39 сотихга етди. Бугун томорқада турфа хил мевалар парваришляяман, балиқчилик хўжалиги, парран-

дациликни йўлга қўйганман.

Деҳқон хўжалигимнинг 4 сотих қисмида Калифорниянинг блейк сплендер, фари, анжелино каби олхўри навини экканман. 2021 йил март ойида ерга қадаган қўнанинг еттинчи йилга бориб, бўйи 7 метргача ўсади. Хар тупи 100 кг.гача ҳосил беради, меваси ўртача 90-115 кг. бўлади. Бугун 4 сотих ердаги 130 туп қўнани мевага кирди. Мутахассислар фикрича, жами 5 тоннагача ҳосил олиш мумкин. Утган йили 2 тонна ҳосил олиб, 1,5 тоннасини сотганман. Натижада 30 миллион сўм даромад қилганман. Бу йил яна

2 тонна ҳосил кутяпман.

4 сотих ерга 30 туп испанларнинг “Магадор” ва французларнинг “Приция” нави ўрик қўнанидан экканман. Улар биринчи йилиёқ, нишона берди. Иккинчи йили ёппасига ҳосилга кирди. Эртапишарлиги билан маҳаллий навлардан фарқланади. Туркияда “Магадор” ўриги май ойининг учинчи 10 кунлигида пишади ва дунёнинг 110 давлатига экспорт қилинади. Хоразм вилоятида бозорга бундан-да, вақтли чиқариш мумкин. Чунки бизда 10 кун аввал пишади. Бу жаҳон бозорини 10 кун олдин эгалаш имконини бермоқда. Шу боис меваларни экспортга йўналтириш устида ишляяпмиз.

Қўшимчасига дарахтлар тагида полиз экинлари, бодринг, помидор, баклажон, пизё, қулупнай, сабзи етиштиришни йўлга қўйганман. Паррандациликдан яхши даромад қиляпмиз. Товуқ, фоз, ўрдақ, қурка, каклик боқаман. Хонадонимизда иккита инкубация ташкил этиб, бир

босқичда 300 дона тухум очириш имконига эга бўлдик.

Йигит кишига қирқ хунар оз, деганларидек, тажриба сифатида қўнаничиликни йўлга қўйганман. 3 йил аввал иш бошлаган балиқчилик корхонамиз даромадга кирди. Оқ амур, зоғора балиқ, лаққа, мойбоши каби 10 дан ортиқ балиқ турларини етиштиряпмиз. Утган йили 1 тонна балиқнинг килосини 50 минг сўмдан сотиб, жами 50 миллион сўм даромад қилганман.

Хўжаликда бирор қарич бўш ер қолмаслигига интиламан. Шу боис боғ атрофидан оқиб ўтган ариқ бўйига 140 туп терак экканман. Бу йил диаметри 20-25 см. га етиб, сотишга тайёр бўлди. Ариқ ёнбошида 70 туп узум парваришляяпман. Сирдарёдан анор кўчати, экспорт қилишга қўлай қора анжир, Туркиядан 100 туп турли нави олма қўнанини келтириб, синаб кўряпмиз. Самарқанддан келтирилган Эрон листаси кўчати бу йил ҳосилга кирди. Тажриба сифатида 10 туп бодом парваришляяпмиз. Шу билан бирга, зотли қорамол ва қўйлар бор. Қорамолларнинг 11 ойда тирик вазни 80 кг. етиб, 55-60 кг. гўшт бермоқда.

Эришган натижамиз сабабли узоқ-яқиндан маслаҳат сўраб келувчилар кўпайди. Уларга қўлимдан келган кўмакни бераман. Маҳалламиз телеграм каналда саволларга жавоб бериб борапман. Қўшни маҳаллаларда агротренинглари ташкил этипман. Жорий йил мактаб битирувчиларини касб-хунарга йўналтириш мақсадида шундай дарс ташкил этдик.

Юқоридаги ташаббусим натижасида оила аъзоларимиз бандлиги таъминланган бўлса, маҳалладошларимизда томорқадан унумли фойдаланишга иштиёқ ортди. Утган йили 21 та хонадонда иссиқхона қурилган эди. Жорий йил улар сони 39 тага етди. Табиийки, шунча оила аъзолари ўзини ўзи банд қилди. 2024 йил бошида ўтказилган хатловда 149 нафар ишсиз аниқланган бўлса, 98 нафарининг бандлиги таъминланди.

ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ
КЎМАГИ БИЛАН...

Бир онла тўрт хил даромад манбаига эришди



Уйчи ва Сайхунбод туманларида жорий этилган тажриба бўйича Зангиота тумани “Маданият” маҳалласида истиқомат қилувчи Шаҳноза Мелибоевага ҳоким ёрдамчиси Абдуллатиф Нишоннов тавсияси асосида имтиёзли кредит ажратилиб, қўй ва тикув машиналари олиб берилди.

Томорқасида агротехник тадбир ўтказилиб, картошка уруғи экилди. Бўш вақтида касаначилик йўналишида турли хилдаги болалар ўйинчоқлари ясаш имкони яратилди.

Бу орқали оила учун тўрт ёқлама даромад келадиган йўналиш йўлга қўйилди.

Диёрбек Бекторов ховлисида ҳоким ёрдамчиси кўмаги билан имтиёзли кредит асосида картошка уруғи қадалиб, чорва учун қўй ажратилди.


“Сайхунбод тажрибаси” онлалар даромадини оширмоқда

Учқўрғон туманидаги “Курама” маҳалласида томорқадан самарали фойдаланиб, маҳалласига фойз қўшаётган, рўзғорига барака киритаётган онлалар кўп.

Маҳаллада “Сайхунбод тажрибаси” жорий этилиб, шу мақсадда 6 та хонадон танлаб олинди. Уларнинг 4 тасига иссиқхона, 2 тасига пенабок ишлаб чиқариш цехи қурилди. Барча хонадонларда чорвачиликни ривожлантириш ҳисобига ишсиз аҳоли вакилларининг бандлиги таъминланмоқда.

Президентнинг “Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорига асосан, ишсиз ёшларга сувли, унумдор ҳамда аҳолига яқин жойлардан танлов асосида 3,9 гектар ер майдони деҳқон хўжаликларига ташкил этиш учун ажратиб берилди. Миграциядан қайтган 3 нафар ёшга ижара асосида имтиёзли ер берилиб, икки нафарига оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича 50 миллион сўм кредит тақдим этилди.

Аҳоли бандлиги таъмин- ланмоқда



Кўгон туманидаги “Янги Ҳаёт” маҳалла фуқаролар йиғинида 2 634 нафар аҳоли истиқомат қилади. Улар орасида ховлисидаги томорқа ерида ишлаб, машаққат билан ҳосил етиштираётган хўжаликлар сафи кенгаймоқда.

Худудда томорқа маданиятини шакллантираётган миришкорлардан бири Ихтиёр Зиёдуллаев бўлиб, оиласи билан бирга имтиёзли кредит асосида 4 сотихли иссиқхона ташкил этган. Ушбу иссиқхонада помидорнинг “Чинто” нави билан бирга гидропоника усулида қулупна етиштиради. Хонадон эгаси иссиқхона билан чекланиб қолмай, чорвачилик ҳамда “етти ҳазина”нинг бири бўлган асаларчилик орқали даромад топишни йўлга қўйган. Йилига 100 млн. сўмгача даромад топомқда.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Дилшод ТУРҒУНҲУЛАТОВ,
Кармана туманидаги “Арабхона” маҳалласи:
– “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида” ги Президент фармонида кўра, ҳоким ёрдамчисига бир қатор вазифалар юкланган. Жумладан, доимий даромад манбаига эга бўлмаган, ишсизлар, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг қизиқишини ўрганиш орқали уларни касб-хунар ва тадбиркорлик ўқув марказларига йўналтириш ҳамда битирувчилар бандлигини таъминлашга ёрдам бериш белгиланган. Мана шу жараён қандай ташкил этилади?

Ишсизларнинг малакаси қандай оширилади?

Давлатжон ЎКТАМОВ,
Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги масъул ходими:
– Вазирлар Маҳкамасининг “Ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш дастурларини самарали амалга ошириш ҳамда уларнинг тадбиркорлик фаолияти учун микрокредитлар ажратиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорига кўра, ҳоким ёрдамчиси хонадонларни хатловдан ўтказганидан сўнг, фуқаролар хоҳиш-истагига асосан, меҳнатга ёки таълимга йўналтирилади. “Онлайн маҳалла” платформасида электрон реестрга киритилган нодавлат таълим ташкилотларининг ўқитиш йўналишлари бўйича касб-хунарга эга бўлмаган ишсизларни мавжуд таълим муассасалари ва касблар билан таништирилади ҳамда мазкур платформа орқали тавсия беради.

Ўқитиш тамомланганларга платформада шакллантирилган бўш иш ўринлари рўйхатини тақлиф қилади. Ҳоким ёрдамчиси фуқарони “етақчи тадбиркор” га бириктириб қўйиши мумкин. Фуқаро фаолиятини ўзи бошқариши ёки кейинчалик давлат пенсия ёшига тўлганидан сўнг пенсия олиш имконига эга бўлиши истagini билдирадиганларга солиқ органи орқали ўзини ўзи ёки яққа тартибдаги тадбиркор сифатида банд қилиш имконияти мавжуд. Агар ҳоким ёрдамчиси тақлиф этган иш маъқул келмаса, фуқарони ишсиз ёки иш қидираётганлар рўйхатига қўшади. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлиши ишсиз ва иш қидираётган шахсга талаб юқори бўлган иш фаолиятига йўланма беради. Агар малакаси етарли бўлмаса, касб-хунар ўрганиши учун ўқитишга йўланма берилади. Ўқитиш умумий ва яққа тартибда амалга оширилиши мумкин. Яққа тартибда ўқитиш “Уста-шоғира” шаклида олиб борилади.

Касбга тайёрлаш мuddати 40 (қирқ) ҳафтадан ошмайди ва жараён малака имтиҳонини топиши билан якунланади. Касбга ўқитилган шахсларга таълим муассасаси ва корхоналарнинг ўқув бўлиналари тегишли хўжжат(гувоҳнома, сертификат ёки диплом) беради. Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ишсиз, деб эътироф этиб, касбга ўқитган шахсларга меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорини 1 баравари (биринчи марта иш қидираётган шахсларга МХЭМни 75 фоизи) миқдорда стипендия тўлайди.

“Маҳалламда камбағал одамлар бўлмаслиги керак”



Маҳалламиз Нукус шаҳрининг марказида жойлашган. “Драйвер” имми – хизмат кўрсатиши. Аҳоли сони 6 720 нафар. Ҳоким ёрдамчиси лавозимига тайинланганимга қадар, шаҳардаги 22-умумтаълим мактабда илгил тили фани ўқитувчиси эдим. Чет тилини билганим янги ишда қўл келди. Бир гуруҳ касбдошлар билан Хитойда тажриба ошириб, қайтгач, ўрганганларимни амалиётга татбиқ эта бошладим.



Роза ҚУТИБОЕВА,
Нукус шаҳридаги “Ғарезсизлик”
маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Маҳалла аҳолиси билан янада кўпроқ фикр алмашиш учун “Telegram” гуруҳи ташкил этдим. Хар куни биргаликда маҳалла муаммоларини муҳокама қиламиз, ечимни устида фикрлашамиз. Одамлар маҳалла идорасига шахсан келолмас-да, мана шу гуруҳ орқали муаммосини ёза олади. Бундан ташқари, ҳар ойда Telegram гуруҳида “Сизни қандай муаммо қийнамоқда?” номи остида онлайн сўровнома ўтказишни йўлга

қўйдим. Дастлабки сўровномада болалар ўйингоҳлари ташкил этиш, кузатув камералари ўрнатиш ва тунги ёритиш чиқоқларини кўпайтириш бўйича тақлиф билдирилди. Ҳамкор ташкилотлар, мутасаддилар билан бирга тақлиф амалга ошди.

“Маҳалла еттилиги” билан ишлаб чиқилган “Йўл харитаси” асосида ишсиз ва ижтимоий химога муҳтож бўлган фуқаролар йил давомида мономарказларда касб-хунарга ўқитилиб, уларга субсидия ва кредит асосида ақиб-укуна олишда ёрдам кўрсатилди.

Хатловда аниқланган 74 нафар ишсиз фуқаронинг 15 нафари касбга йўналтирилиб, ҳозирги кунда янги касб бўйича ўқитишни битириш арасида. 7 кишига субсидия ажратилди. Қолганлар мавсумий ишга жалб қилинди.

Фуқароларимиз онгига камбағаллик “уят” тушунча эканини сингдира олишига интиляпман. Фаолиятим давомида 25

та янги тадбиркорлик субъекти ташкил этдим. Тадбиркорларимиз маҳалладаги ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлашга ҳаракат қилмоқда.

Олдимга қўйган мақсадим – Хитой тажрибаси асосида маҳалламизда камбағал одам қолмаслигига эришиш. Уйда боқиманда кайфиятда ўтириб олган одамларни эмас, оз бўлса-да оиласини боқишга ҳаракат қилаётган фуқароларни қўллаб-қувватлаш тарафдориман.

Хатлов жараёнида олинган маълумотларга кўра, маҳаллада яратилган иш ўрни кўп бўлгани билан, бериладиган иш ҳаққи фуқароларни қониқтирмайди. Мана шу номуносибликни бар-тараф этиш лозим. Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш мақсадида кредит сўраб келганлар орасида соҳадан хабарсиз, ҳисоб-китобни билмайдиганлар кўп. Шундай фуқароларга тавсия берсак, кўп ўтмай фаолиятни тўхтайдим. Маълумани қайтара олгани учун муаммоли кредит юзага келади. Афсуски, охири-оқибат бунга биз жавобгар бўлиб қоляпмиз.

Тақлимим – тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида кредит олмақчи бўлган талабгор аввал соҳа бўйича ўқув курсида мажбурий билим олиши лозим.



Жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судларида ТЕРГОВ СУДЬЯСИ лавозими жорий этилади.



“КИНОЧИЛАР УЙИ” “Ўзбекистон Миллий кино санъати саройи” деб қайта номланди.



Марказий банк асосий ставкани йиллик 14 фоиз даражасида ЎЗГАРИШСИЗ ҚОЛДИРДИ.

Минбар

Сизда қандай таклифлар бор?



Ёшлар муаммоси билан ишлашда зарур ҳуқуқий асос яратилган. Вазирлар Маҳкамасининг “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ишсиз ёшлар билан “Ёшлар дафтари”ни юритиш орқали ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, олий таълим танкилотлари талабаларни ўртасида интеллектуал соғлом рақобатни шакллантириш, талаба ҳамда ёшларнинг билим ва салоҳиятини янада ошириш, рағбатлантириш тартиби белгиланган.

Хайрулло АБДУРАҲМОҶОНОВ.

Хўш, бугун ана шу белгиланган ишлар ижроси бажарилаяптими? Ўрганишларда ҳудудларда истиқомат қилувчи ёшлар қандай таклиф билдирмоқда? Шу каби саволлар билан ёшлар етакчиларига мурожаат қилдик.

Даствабқи суҳбатдошимиз Қарши шаҳридаги “Шўртангаз” маҳалласи ёшлар етакчиси Акрамжон Шарипов. Маълумотга кўра, у етакчилик қилаётган маҳаллада яшовчи 4 126 нафар аҳолининг 670 нафари ёшлар. 3 йилдан бери

етақчи лавозимида меҳнат қилади. 2022 йилда икки марта, 2023 йил бир марта — октябрь-ноябрь ойида хатлов ўтказган.

Хатловда ёшларнинг асосий қисми шахсий масалаларда ёрдам сўраган. Энг кўп мурожаат моддий ёрдам ва ижтимоий кўмак масаласида бўлган. Уларга белгиланган тартибга кўра, ёрдам берилган. Маҳаллада болалар майдончаси қуриш таклифи мутасаддилар кўмағида ижобий ҳал этилган. Шу билан бирга айрим мурожаатлар, таклифлар ҳамон долзарблигича турибди. Уларнинг энг асосийси, ҳудудда кутубхона, шахмат-шашка тўғрагини жамлаган “Ёшлар гузари” қуриш.

Бу таклифни амалга ошириш учун ички имконият ўрганилганда қурилиш учун ер майдони муаммо экани аниқланди. Шу боис келишган тарзда ижроси бўйича таклиф ишлаб чиқилган.

Навбатдаги манзилимиз Амударё туманидаги “Арна бўйи” маҳалласи бўлди. Маҳалла ёшлар етакчиси Шаҳзодбек Нуратдиновнинг маълум қилишича, охириги хатлов жорий йилнинг февраль ойида ўтказилган. Йўғинда яшовчи 2 248 нафар ёш билан суҳбатлашиш асносида энг

кўп билдирилган таклиф — маҳаллада спорт мажмуаси қуриш экани аниқланди. Айниқса, сунъий қопламали спорт майдончасига эҳтиёж бор. Мана шу муаммо сабабли маҳалла ёшлари “Беш ташаббус олимпиадаси”нинг спорт мусобақаларида ижобий натижа қайд эта олмапти. Муаммони ўзаро ҳал этиш учун “Ташаббусли бюджет” лойиҳасига таклиф киритилган. Аммо етарли овоз тўпланмагани учун таклиф ғолиб бўла олмаган.

Арнасой туманидаги “Тинчлик” маҳалласи ёшлар етакчиси Шарофиддин Абдуллаев жорий йилдаги ўрганишда 5 та муҳим таклифни белгилаб олган. Унга кўра, ҳудудда ишлаб чиқариш корхонаси ёки йирик фабрика, спорт майдони қуриш керак. Ёшлар кўшни маҳаллага бориб, спорт турлари билан шуғулланмоқда. Учинчиси, болалар майдончасига эҳтиёж бор. Тўртинчиси, маҳаллада олий таълимга тайёрловчи ўқув маркази йўқ. Бешинчи таклиф — Президентнинг “Ёшларга ер ажратилиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида ер майдонини янада кўпайтириш керак. Жорий йил ёшларга 32 гектар ер бўлиб берилган. Ҳозир бу тенгдошларимиз ўзини ўзи банд қилган. Қўшимча ер майдони ажратилса, ишсиз талабгор ёшлар бандлиги таъминланади.

PS: Қадри ёшлар етакчилари! Агар сизда ҳам маҳалла ёшлари билан ишлаш самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи таклифлар бўлса, ёзиб юборинг.

Ҳар бир ёш — миллатнинг эртаси

“Меҳнатга яраша ойлик маош таклиф этилса...”

“Ёшлар баланси”ни шакллантириш, улар тўғрисидаги зарур маълумотни “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар портали” электрон платформасига киритиб бориш натижасида қўллаб-қувватлаш ҳаётида ўз ўрнини топишмоқда.

Азамат ҲАЗРАТҚУЛОВ, Гулистон туманидаги “Мевазор” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Маҳаллада ёшлар етакчиси лавозими жорий этилган даствабқи йил билан солиштирилганда ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка йўналтириш борасидаги ижобий ўзгаришлар яққол намойён бўлмоқда. Кредит ёки субсидия олишда ортиқча овозагарчиликка барҳам берилди. 2024 йилнинг шу давригача 16 нафар ишсиз рўйхатга олинган бўлса, уларнинг 12 нафарига имтиёзли кредит ажратилиб, ўзини ўзи банд қилди. 3 нафари доимий ишга жойланди. Норасий банд бўлганларнинг 5 нафари ўқув курсларига йўналтирилди.

Бундай ўзгаришларни ўз тақдирини ҳис қилаётган ёшлардан бири Баҳромжон Меҳмонлиев. Бу йил имтиёзли кредит олишда ёрдам сўраб, мурожаат қилганди. Мурожаатини шу куннинг ўзида қўриб чиқдик. Даствабқи ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида солиқ органларидан рўйхатдан ўтди. Кейинги босқичда унга ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан 3 иш қунида 5 миллион сўм кредит ажратилди.



Ютуқлардан илҳомланиб, ривожланишдан тўхтаб қолмаслик керак, деб ҳисоблайман. Шу боис соҳа ривожига хизмат қилувчи таклифлар билдирмоқчимман.

Яна бир маҳалладошимиз Ўғиллой Умарова ишсиз сифатида “Ёшлар дафтари”да рўйхатда турарди. Тикувчиликка қизиқишини ҳисобга олиб, унга субсидия асосида оверлок тикув машинаси берилди. Ҳозирда шу касб ортидан оиласига даромад олиб кирмоқда. Тиккан либослари маҳаллада тобора харидоргир бўлиб бормоқда.

Бундан ташқари, ёшларга хорижий тилларни бепул ўргатиш мақсадида “Ибрат фарзандлари” лойиҳасидан унумли фойдаланяпмиз. Шу кунгача 927 нафар ёшнинг 532 нафари лойиҳа доирасида рўйхатдан ўтган. 67 нафари сертификат эгаси бўлди.

Шу қаторда ўзим ҳам рус тилидан сертификат олиб, энди корейс тили курсида қатнашяпман.

Ютуқлардан илҳомланиб, ривожланишдан тўхтаб қолмаслик керак, деб ҳисоблайман. Шу боис соҳа ривожига хизмат қилувчи таклифлар билдирмоқчимман.

Аввало, миграцияга чиқарилган “маҳалла еттичилиги”ни хабардор қилиши керак. Аксарият ҳолда улар кетганини кеч билаяпмиз. Яна бир таклифим — ҳар бирида 100 тадан хонадон бўлган 7 та кўчамиз учун “workout” майдончаси қурилса, яхши бўларди.

Сўнги таклифим — мигра-

Ҳудуддаги мебель цехи, қоп ишлаб чиқариш заводидан бўш иш ўринларига қабул қилинган ходимга 1,5 миллион сўм ойлик ваъда қилинмоқда. Бу, албатта, кам.

циядаги ёшларни ватанга қайтариш билан боғлиқ. Жорий йил 18 нафар хорижда меҳнат қилган маҳалла ёшларининг 6 нафари ватанга қайтарилди. Уларга имтиёзли кредит ва субсидия берилди. Шу орқали тадбиркорлик фаолияти қўллаб-қувватланди. Аммо кўплар таклиф қилинган доимий ишга қайтишни истамаяпти. Асосий сабаб — ойлик маош кам. Масалан, ҳудуддаги мебель цехи, қоп ишлаб чиқариш заводидидаги бўш иш ўринларига қабул қилинган ходимга 1,5 миллион сўм ойлик таклиф этиляпти. Меҳнатга яраша ойлик маош таклиф этилса, шу ерда ишловчилар сони ортарди.

Менда савол бор...

“Ёшлар дафтари”га қандай рўйхатга олинади?

Лайло НОРБЕКОВА, Пайариқ туманидаги “Тошқовуз” маҳалласи:

— Маҳалладаги эҳтиёжман, кўмакка муҳтож йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида шакллантирилган “Ёшлар дафтари”га талабгорлар неча ёшдан ва қандай талаблар асосида рўйхатга олинади?

Мумтозбек МЕЛИҚЎЗИЕВ, Ёшлар ишлари агентлиги мутахассиси:

— “Ёшлар дафтари” — ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишига эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган, ишсиз ёшларнинг муаммоларини аниқлаш, бартароф этиш ва назоратини олиб бориш бўйича маълумотлар манбаи ҳисобланади.

Унга 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган қуйидаги тоифадаги ёшлар киритилади:

оила аъзоси «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ёки «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган;

ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган;

боқувчисини йўқотган, етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган;

ўзига нисбатан васийлик ёки ҳомийлик белгиланган;

ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ишга лаёқатсиз;

I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган;

фарзандида I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган;

жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган;

ота-онасидан бирида I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган, иккинчиси эса иш фаолиятини тўхтатган ҳолда беморга қарашга мажбур бўлган ёхуд ота-онасининг ҳар иккисидан I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган;

юзага келган ҳолатлар сабабли оғир турмуш шароитида қолган;

зўравонлик ва эксплуатация, табиий офатлар, ҳалокатлар, ёнғинлар ва бошқа фақуллодда вазиятлар оқибатида ҳаётига, соғлиғига, мулкига зарар етган;

«Меҳрибонлик» уйи, Болалар шаҳарчаси ёки оилавий болалар уйида тарбияланган;

ҳақ тўланмаган ишга ёки иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирилмаган машғулота эга бўлмаган;

давонлишига муҳтож бўлган бемор ёшлар;

жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган;

муайян яшаи шартларга эга бўлмаган;

психологик маслаҳатга муҳтож;

ниҳоқи қайд этилганига 3 йилдан ошмаган ёш оила;

деҳқончилик ёки томорқа ҳўжалигини юртаетган;

ёш тадбиркор ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтган ёшлар.



Хабарлар

Етакчилар ота-онаси эътироф этилди

Хабарингиз бор, Ёшлар ишлари агентлиги ТОП-100 маҳаллалардаги ёшлар етакчилари рейтингини эълон қилган эди. Айни кунларда ана шу етакчиларнинг ота-оналари ҳам эътироф этилмоқда.

Жиззах вилояти Ёшлар ишлари бошқармасида 7 нафар ёшлар етакчилари иштирокида уларнинг ота-оналарига Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси раиси ва Ёшлар ишлари агентлиги директори номидан ташаккурнома топширилди. Шунингдек, Самарқанд вилояти ёшлар ишлари бошқармасида ҳам эътироф этилган етакчиларнинг ота-оналарига махсус ташаккурнома ва эсдалик совғалари берилди.

Ташаббускор етакчилар

Янгиҳаёт туманидаги “Янги умид” маҳалласи ёшлар етакчиси Сардор Нишонов Бош вазир билан учрашувда замонавий тикув машиналарини таъмирлаш бўйича етарли тажрибага эга эканлиги ва шу касбни маҳалла ёшларига бепул ўргатиш ташаббусини илгари сурган эди.



Ёшлар етакчиси ташаббусини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ёшлар ишлари агентлиги маҳаллада тўғарак ташкил этиш учун зарур бўлган барча турдаги жиҳозларни олиб берди. Тумандаги 329-сонли мактаб биносида хона ажратилди.



Туризм қўмитаси Курбон ҳайити муносабати билан театрлар, меҳмонхоналар, овқатланиш шохобчалари учун ЧЕГИРМАЛАР ТАҚДИМ ЭТАДИ.




Миллий тиббиёт марказига уникал техника – КЎЧМА КАРДИОЖАРРОХЛИК МАЖМУАСИ олиб келинди.



Ўзбекистон ва хитойлик археологлар томонидан 4000 йил аввалги ҚАДДИМИЙ ҚАБР аниқланди.

Контракт тўлови солиққа тортилмайди

Профессионал ва олий таълим ташкилотларига жисмоний шахслар ўзи ва фарзандларининг, шунингдек, 26 ёшга тўлмаган турмуш ўртоғининг таълим олиши учун йўналтирган иш хақи ва бошқа даромадлари солиққа тортилмайди.



Қўлланма: таълим контрактини тўлови учун солиқ имтиёзини олиш

Маъмур имтиёз ўқиш учун тижорат банклари томонидан ажратилган таълим кредитларини (фоизлари билан) қоплашга нисбатан ҳам қўлланилади. Агар сиз таълим учун ёки олинган таълим кредитини (фоизлари билан) қоплаш учун маблағларини профессионал ва олий таълим ташкилотларига ёки тижорат банкига иш берувчи томонидан ўтказиб берилишини ва бу маблағларингизга солиқ солинамаслигини истасангиз, у ҳолда тегишли ариза билан иш берувчига мурожаат этишингиз лозим. Бунда, қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши керак:

– талаба (талабалар) билан Ўзбекистон профес-

сионал ёки олий таълим ташкилотлари ўртасида тўлов-контракт асосида ўқитиш тўғрисида тузилган шартнома (шартномалар) нусхаси;
– тижорат банки билан таълим кредитини олиш учун тузилган шартнома (шартномалар) нусхаси.
Агар сиз олдинги йилларда ишлаган бўлсангиз, шартнома суммасини ўзингиз (нақд ёки банк картаси орқали) мустақил равишда тўлаган бўлсангиз, доимий яшаш жойидаги солиқ органига жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация ва қуйидаги ҳужжатларни топшириш орқали тўланган даромад солиғини қайтаришингиз мумкин.
– талаба (талабалар) билан Ўзбекистон профес-

сионал ёки олий таълим ташкилотлари ўртасида тўлов-контракт асосида ўқитиш тўғрисида тузилган шартнома (шартномалар) нусхаси;
– тижорат банки билан таълим кредитини олиш учун тузилган шартнома (шартномалар) нусхаси;
– Ўзбекистон профессионал ва олий таълим ташкилотлари ҳисоб рақамига (таълим кредитини (фоизлари билан) қоплаганда тижорат банки ҳисоб рақамига) пул маблағларини мустақил тўлаганингни тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси.
Агар таълим учун йўналтирилган маблағлар миқдори жами йиллик даромаддан ортиқ бўлса, бошқа оила аъзоси (ота/она, эр/хотин) солиқ тўланган сумманинг қолган қисмидан олинган даромад солиғини худди шу тарзда қайтариши мумкин. Бунда, у аввал имтиёз қўлланилган сумма миқдори тўғрисидаги маълумотномани тақдим этиши керак.
Агар сиз ва сизнинг оила аъзоларингиз турли ҳудудлардаги давлат солиқ органларида рўйхатдан ўтган бўлсангиз, у ҳолда имтиёзни қўлламоқчи бўлган шахс бошқа ҳужжатлар билан бирга оиланинг қолган аъзолари ушбу имтиёзни ҳали қўлламаганлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этади.



Сўҳроб ЗИЁДУЛЛАЕВ, Солиқ қўмитаси бош инспектори.



СОЛИҚЧИ – ҚўМАҚЧИ

34,2 миллион сўм маҳалла бюджетида қолди

Избоскан туманида 60 та маҳалла фуқаролар йиғини бўлиб, уларга 23 нафар солиқ инспектори бириктирилган.

“Гулистон” ва “Янгиобод” маҳаллаларида солиқ тўловчилар сопи 4 033 ташиқл этади. Мол-мулк солиғини тўловчи жисмоний шахслар – 1 511 та, ер солиғини тўловчилар – 1 524 та, декларация асосида тўловчилар эса 111 тадан иборат. Худудда 12 та юридик шахс, 5 та фермер хўжалиғи, 6 та бюджет ташкилоти, 55 та ЯТГ, 145 та деҳқон хўжалиғи ва 664 та ўзини ўзи банд этган шахс бор.

Саидхуршидофарин АСАНОВ, Избоскан туманидаги “Гулистон” ва “Янгиобод” маҳаллалари солиқ инспектори.

Менга бириктирилган “Гулистон” ва “Янгиобод” маҳаллаларида йил бошидан бери 133,8 млн. сўм товар айланмаси мавжуд. Мазкур даврда қўшимча аниқланган объектлардан давлатга 14,9 млн. сўм маблағ ундирилди.
Шу билан бирга, 4 та вақтинча молиявий қийинчиликка дуч келган тадбиркорлик фаолияти тикланди. Норасмий фаолият кўрсатаётган 65 та ишчи легаллаштирилди. Натижада давлат бюджетига 1,8 млн. сўм қўшимча даромад солиғи ундирилди. Хатлов натижасида ноқонуний фаолият кўрсатаётган 12 та тадбиркор рўйхатдан ўтказилди. “Маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликда 132 нафар фуқарони ўзини ўзи банд қилдириб, 24 та деҳқон хўжалиғи ташкил этилди.

Бундан ташқари, жисмоний шахсларнинг тураржой объектлари бўйича йил бошидан буён 341,9 млн. сўм ундирилган бўлса, ундан 34,2 млн. сўм, яъни 10 фоиз маблағ маҳалла бюджетида қолдирилди.

Албатта, бу рақамлар вақт ўтиши билан янгиланиб туради ва айнан шулар бизнинг самарадорлик кўрсаткичимизни белгилаб беради. Охириги уч ойда 95 фоиздан юқори самарадорлик кўрсаткичи кўрсатганимиз учун Солиқ қўмитаси раисининг ташаккурномаси ва эсдалик совғалари билан тақдирландим. Албатта, бу натижаларга эришиш учун тинимсиз меҳнат ва ҳамкорлик зарур. Фаолиятим давомида “маҳалла еттилиги”нинг бири-бири билан ҳамкорликда амалга оширилган ишларимизни эътиборга оlish керак.

Бугунги кунда солиқ инспекторларининг фаолияти компьютер технологиялари ёрдамида рейтинг асосида баҳолаб борилади. Бу “маҳаллабай” ишлашнинг ўзига хос усули бўлиб, инсон

омилсиз, онлайн равишда амалга оширилади. Хар ким ўз натижасини реал вақт режимида кузатиб бориши мумкин. Албатта, рейтинг доимо янгиланиб туради. Сабаби иш самарадорлиги кўп тармоқли бўлиб, уларнинг ҳар бири бир хил вақтда олиб бориладими, кўрсаткичлар пасайиб кетиши турган гап.

Мисол учун, маҳаллаларда фаолият юритаётган солиқ инспекторларининг фаолияти 27 кўрсаткич асосида баҳоланади. Хар бири учун алоҳида иш ташкил этилади. Агар бири йўналишни жадаллаштириб, бирида орқада қолинадиган бўлса, самарадорлик тизими рейтинг даражасида табиий равишда паслай бошлайди. Бу шунинг кўрсаткичи, юқори натижа қайд этиш учун, албатта, ҳар бир тармоқ бўйича изчил иш ташкил қилиш ва барча йўналишларни бир хилда олиб бориш керак бўлади.

Тақдирим, жисмоний шахсларнинг қарздорлигини ундиришни ўзимиз амалга оширсак ёки МИБга юбориш, қарздорнинг мол-мулкига тақиб қўйиш, нотурар жойларини e_auksionга чиқариш масалаларини назорат қилиш имконига эга рақамлаштирилган тизим яратилса яхши бўларди. Ушбу электрон тизим орқали қарздорларнинг мол-мулкларини сотилиши ва қарздорликларни бартараф этилганунча хорижга чиқиши вақтинча чекланиб, солиқ тўлови таъминланади. Энг муҳими, вақтдан ютаемиз.

ЮҚОРИ БАЛЛГА ЭГА БЎЛИШ УЧУН НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Дилдора ХОШИМОВА, Солиқ қўмитаси Ахборот хизмати раҳбари.

Тадбиркорларни барқарорлик рейтинг баҳолаш мезонлари 23 та ва улар 3 та гуруҳга бўлинган.

Биринчиси – ҳамма учун бир хил бўлган умумий 10 та мезон кўзда тутилган. Мазкур мезонлар орқали тадбиркор 100 балл олиш имконияти мавжуд.

Иккинчиси – қамайтирувчи 9 та мезон. Бу мезонлар қонунчилик талаблари бузилган ёки ҳисоботларга қайта-қайта тузатиш киритиб тақдим этган ҳолатлар, бир ҳудуддан бошқа ҳудудга кўчиш йил давомида қўлайиб кетса ишлайди.

Учинчиси – рағбатлантирувчи 4 та мезон.

Ижтимоий реестр, “Аёллар дафтари”га кирган фуқароларни ишга олган ва улар умумий ходимларининг 10 фоиздан кўпроқни ташкил қилган тадбиркорлик субъектларига 5 балдан 10 баллгача қўшимча рағбатлантирувчи балл берилади.



Тадбиркорлик субъектларини баҳолашда фаолиятини узок давом эттириш, солиқ ҳисоботларини белгиланган муддатда тақдим этиш, солиқларни ўз вақтида ихтиёрий тўлаш каби ҳолатлар асосий рол ўйнайди.

Шунинг учун солиқ мажбуриятларини вақтида ва ихтиёрий бажариш рейтингда юқори балл олишни кафолатлайди.



Электрон ҳисобварақ-фактурани ўз вақтида тўлдиринг

Исматулло СЕВИҢЧОВ, Солиқ қўмитаси бош инспектори.

Хўжалик субъектлари расмийлаштираётган электрон ҳисобварақ-фактуралар (ЭХФ)ни солиқ хизмати органлари доимий мониторинг қилиб бормоқда. Шу боис ЭХФ товарлар жўнатиш (топширилган) ёки хизматлар кўрсатилган календарь санада расмийлаштирилиши шарт.
ЭХФ қуйидагилар учун календарь ойнинг сўнги куни билан мазкур ой давомида амалга оширилган операциялар учун бир марта тақдим этилади:

- электр ва (ёки) иссиқлик энергияси, сув, газ, коммунал ва алоқа хизматлари;
- темир йўлда ташиш;
- транспорт-экспедиторлик хизматлари;

- қуевурлар тизими орқали юкларни ташишга доир хизматлар;
- товар (хизмат)лар доимий (узлуksиз) асосда реализация қилинадиган бошқа ҳолларда товарлар етказиб берилган (хизматлар кўрсатилган)да.

ЭХФ товар (хизмат)лар реализация қилинган ойдан кейинги ойнинг 10-кунига қадар, реализация амалга оширилган ойнинг охириги санаси билан расмийлаштирилади.
Агар реализация қилинган махсулот қиймати ўзгарса...
Қонунчиликка мувофиқ, реализация қилинаётган товарлар қиймати ёки миқдори ўзгарганда қўшимча ёки тузатиш ЭХФ тақдим этиш мумкин. Шунингдек, илгари тақдим этган солиқ ҳисоботида ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси ўзгарганда солиқ ҳисоботига зарур тузатишлар киритилиши ва аниқлаштирилган ҳисобот тақдим этилиши лозим.

Солиқ органларида мавжуд маълумотлар таҳлил қилинганда айрим солиқ тўловчилар томонидан қўшимча ёки тузатиш ЭХФлар бўйича қайта солиқ ҳисоботлари тақдим этилмаганлиги натижасида солиқ ҳисобланмаслик ҳолатлари аниқланмоқда.

Мисол учун, Г””С”И”” МЧЖ 2023 йил ноябрь ойи учун ҳисобот тақдим этгандан сўнг, 2024 йил январь ойида ўтган даврнинг ноябрь ойидаги ЭХФларига тузатиш киритилиб, жами 96,6 млрд. сўмлик ЭХФ расмийлаштирилган бўлса-да, мазкур даврдаги солиқ ҳисоботига тузатиш киритилмаган, натижада 11,8 млрд. сўмлик ҚҚС ҳисобланмасдан қолган.

Солиқ тўловчиларга қонунчилик талабларига риоя қилган ҳолда солиқ ҳисоботларини тўғри юритиш тавсия этилади. Акс ҳолда қонунчилик ҳужжатларига асосан белгиланган тартибда жавобгарлик чоралари қўрилишини эслатиб ўтаемиз.



Бош прокуратура:
541 ҳолатда АМАЛДА
ЭКИЛМАГАН бир
миллиондан зиёд кўчат
ҳисоботларга кўшиб
ёзилган.



“Аҳоли – бошқарув
компанияси – коммунал
ташкilot ва пудратчи”
ЗАНЖИРИ ЯРАТИЛАДИ.



Электромобилни
хонадонда қувватлашни
рағбатлантирадиган
ТУНГИ ТАРИФ
жорий қилинади.

БИЛАСИЗМИ?

МАСТ ҲОЛАТДА
ВЕЛОСИПЕД
ҲАЙДАГАНГА
1 МЛН. 20 МИНГ СЎМ
ЖАРИМА!



Хайдовчи мастлик ҳолати бўйича текширувдан бўйин товласа, 1 йилу 6 ойдан 3 йилгача муддатга транспортни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинади ва 5 млн. 100 минг сўм миқдорда жаримага тортилади. Худди шундай ҳуқуқбузарликни транспортни бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахс содир этса, 10 млн. 200 минг сўм миқдорда жарима ёки 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси қўлланилади. Мазкур ҳуқуқбузарликни мопед, велосипед хайдовчи, уловли аравани бошқариб борувчи шахс содир этиши БҲМнинг 3 баравари (1 млн. 20 минг сўм) миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

СУД АМАЛИЁТИДА

ҚАРЗДОРЛИКНИ ЎЗ
ВАҚТИДА ТЎЛАНГ!



Бекобод туманлараро иқтисодий судида бошқа соҳалар қатори электр энергияси, табиий газ, сув таъминоти ва оқовасув, иссиқлик энергияси, алоқа каби коммунал хизмат кўрсатиш билан боғлиқ йўналишларда кўплаб низолар кўриб чиқилмоқда.

Афсуски, юртимизда уй-жой коммунал хўжалиги учун нархлар арзон бўлишига қарамадан, фойдаланилган табиий газ, электр энергияси ва ичимлик сув учун қарздорлик ҳолатлари учраб турибди. Коммунал тўлов мажбуриятларига масъулиятсизлик билан муносабатда бўлиш нафақат давлатимиз, балки оила бюджетига ҳам зарар етказиши.

Мисол учун, қонунчилигимизга биноан, кечиктирилган тўлов учун пеня жорий этилиб, қарздорлик ўз-ўзидан ошиб бораверади. Шу билан бирга, коммунал хизматлар ҳақини ўз вақтида тўламаслик аҳолини газ, электр энергияси ва сув билан таъминлаган компаниялар фаолиятида сезиларли қийинчиликларни юзага келтиради. Қолаверса, қарздорлик коммунал хизматлар сифатига, пировард натижада эса тўловларни ўз вақтида тўлайдиган ва интизомли истеъмолчиларнинг маиший шароитига таъсир кўрсатади.

Демак, ҳар биримиз табиий ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда коммунал тўловларни ўз вақтида тўлашимиз зарур. Истеъмолчи шунини унутмаслик керакки, коммунал хизматлар учун тўловлар коммунал хизматлар таъминоти тизимини модернизация қилиш, соҳада истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, махсус ускуна ва коммуникацияларни таъмирлаш, реконструкция қилиш, ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш учун йўналтирилади.

Мустиқил диёримиз табиий ресурсларга бой, лекин ҳар нарсанинг интихоси бўлганидек, ушбу заҳиралар ҳам чексиз эмас. Шунинг учун ҳар биримиз кундалик турмушда тежамкорлик қоидаларига амал қилишимиз шарт. Масалан, совуқ ва иссиқ сувдан фойдаланиш харажатларини камайтириш, сув тизимидаги носозликларни ўз вақтида бартараф этиш, электр энергияси ва табиий газдан фойдаланишда исрофгарчиликка йўл қўймаслигимиз, уй ва идораларни иссиқ тутишимиз керак. Зеро, тежамкорлик Ватанимиз табиий бойлиқларидан оқилона фойдаланишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

М.НАБИЕВ,
Бекобод туманлараро
иқтисодий суди раиси.
А.ГАНИБАЕВ,
Бекобод туманлараро
иқтисодий суди судьяси.

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ



Ёшлар, айниқса, вояга етмаганлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратдик. Урганишлар давомида ёшлар ўртасида безорилик, майда ўғрилиқ, ўзгаларнинг суратларини ижтимоий тармоқларга жойлаш, онлайн қимор ўйинлар ўйнаш ҳолатлари аниқланди.

“Жиноятга мурасасизлик
ҳисси шаклланишти”

“Жанубий” маҳалласида жорий йил бошида иш бошлаганимда худуд “сарик” тоифада эди. Бу ерда кўпроқ фириб арлик жиноятлари қайд этилган.

Азиз САЛИМОВ,
Навоий шаҳридаги “Жанубий” маҳалласи
профилактика инспектори.

Дастлабки иш фаолиятимда жиноятчиликнинг асл мақсадларини аниқлаш ва унга қарши курашиш учун худудда жойлашган кўп тармоқли ҳамда турли касалликларга иxtисослашган шифохоналарда, Навоий педагогика институтининг физика-математика ва информатика факультетида аҳоли, шифокор ва талаба-ёшлар иштирокида учрашувлар ўтказиб, тарғибот ишларини олиб бордим. Уларга фирибгарлик ҳолатлари бўйича маълумотлар бердим. Келгуси ишларимизни мувофиқлаштириш ҳамда аҳоли билан тезкор мулоқотни йўлга қўйиш учун телеграм каналда махсус гуруҳ очдик.

Шунингдек, жиноят содир этишига мойил, ички ишлар органларининг профилактик ҳисобида турган, тибийёт муассасаларининг диспансер ҳисобидаги ва маҳалла рўйхатидаги шахслар билан профилактик ишлар кучайтирилди. Ҳар бир кўча, хонадон кесимида ўрганиш ишлари олиб борилиб, аҳолида ҳуқуқбузарлик ва жиноятга нисбатан му-



росасизлик ҳиссини шакллантиришга қаратилган тарғибот учрашувлари ўтказилди.

Ёшлар, айниқса, вояга етмаганлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратдик. Урганишлар давомида ёшлар ўртасида безорилик, майда ўғрилиқ, ўзгаларнинг суратларини ижтимоий тармоқларга жойлаш, онлайн қимор ўйинлар ўйнаш

ҳолатлари аниқланди. Улар икки тоифага – ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка мойиллиги бор гуруҳга ажратилди. Ҳар ҳафта ушбу тоифадаги ёшларнинг 3 нафари ҳарбий қисмда бўлиб, у ерда ҳақиқий йигитлик бурчини ўтаётган йигитлар ҳаёти билан танишмоқда.

Маҳалла раиси, хотин қизлар фаоли иштирокида нотинч ва низоли оилалар билан тизимли ишланмоқда. Ўзаро келишмасдан яшаётган иккита оила яраштирилиб, низолига барҳам берилди. Шунингдек, оилавий муносабатлар бўйича битта, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича 25 та ариза ва муурожаатлар кўриб чиқилиб, қонуний ечимни таъминланди.

Маҳаллаларда ҳуқуқ-тартибот масканларининг ташкил этилиши жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга хизмат қилмоқда. Яқинда бизнинг маҳаллада ҳам 2-сонли ҳуқуқ-тартибот маскани фойдаланишга топширилди. Бу ерда профилактика инспектори билан бирга, жиноят қидирув, хотин-қизлар масалалари бўйича инспектори, пробақция, миллий гвардия ва патруль-пост хизмати ходимлари учун алоҳида хизмат хоналари ташкил этилган. Бунинг натижасида ҳар бир ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тезкор аниқланиб, маҳалланинг ўзида ҳал этилмоқда. Барча ишларимиз натижасида “сарик” тоифадан “яшил” тоифага ўтдик.

СУД ҲУҚМИ

Аввал ўз иллатига пичоқ урганида эди...

Ўтган йилнинг 27 сентябрь кун Фарғона шаҳридаги “Оқарик” маҳалла фуқаролар йиғини профилактика инспекторининг уяли телефонида нотаниш киши кўнгирак қилиб, маҳалладаги новвойхона ёнида бир одамнинг пичоқлаб кетилгани ҳақида хабар беради. Профилактика инспектори ички ишлар бўлимининг навбатчилик қисмининг содир этилган жиноятдан хабардор қилиб, зудлик билан воқеа жойига етиб боради.

Тожиқдин ВАҲОБОВ,
жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди раиси.

Шу ўринда гапни узоқдан бошласак, Фарғона шаҳрида яшовчи Лутфулла Мамадалиев (исм-шарифлар ўзгартирилган) андижонлик Зокир Қобилов билан техникумда бирга ўқишган эди. Л.Мамадалиев З.Қобиловнинг ошпазлигию новвойлик қўлидан келишини яхши биларди. Шу боис у курсдошини ўтган йилнинг май ойида ҳовлисида қурган новвойхонани юриштига таклиф этади. Шундан сўнг З.Қобилов танишлари Элбек Юнусов ва Мақсуд Ғофуров билан бирга нон ёпа бошлайди. Йигитлар ўз ишининг устаси бўлгани сабабли новвойхонада савдо юришиб кетади.

Аммо орадан кўп вақт ўтмасдан Мақсуд Ғофуров уйига кетиб қолади.

Уша кун икки шерик ишни тугатишгач, Э.Юнусов новвойхона яқинидаги спиртли ичимликлар сотиладиган дўконга йўл олади.

– Менга ҳам бир шиша ароқ олиб кел, – дея илтимос қилади унга З.Қобилов.

Э.Юнусов дўконга бориб, 300 грамм спиртли ичимлик истеъмол қилади.

Қайтаётганда З.Қобиловнинг “бюртмаси”ни олиб келади.

Бироздан сўнг З.Қобилов ҳам сархуш бўлиб қолади. Шу боис иккаласи кўрпачада ёнбошлаганча суҳбатлашади.

– Мен ишдан жуда чарчадим. Шунинг учун уйга бориб, бир ҳафта дам олиб келаман, – дейди Э.Юнусов гап орасида.

– Йўқ, ҳозир кетмай тур, – дея эътироз билдиради З.Қобилов. – Аввал ўрнингга ишчи топай, сўнг уйингга кетарсан. Агар ҳозир кетсанг, иш тўхтаб қолади.

– Ўзим хоҳлаган пайтда кетаман, сендан сўраб

ўтирмайман, – деб қайсарлик қилади Э.Юнусов.

Шу зайлда шериклар аввал гап талашиб қолишади. Сўнгра З.Қобилов қўлига илингган буюм билан Э.Юнусовнинг дуч келган жойига ура бошлайди. Бундан қаттиқ жажли чиққан Э.Юнусов стол устидаги пичоқни қўлига олиб, З.Қобиловнинг қорин ва кўкрак қисмига санчади. З.Қобилов жон аччиғида новвойхонадан қочиб чиққан бўлсада, оғир жароҳатлари туфайли узоққа боролмай, йиқилади.

Буни қарангки, ўша пайтда новвойхона ёнидаги дорихона сотувчиси бақир-чақирни эшитиб, кўчага чиқади. У оғир жароҳатланган З.Қобиловга дарҳол биринчи тиббий ёрдам кўрсатади. Шу билан бирга, “Тез ёрдам”га кўнгирак қилади. Бироқ, жабрланувчи шифохонага етиб бормасдан йўлда жон таслим қилади. Шундан сўнг Э.Юнусовга нисбатан жиноят иши қўзғатилади.

Ушбу жиноят иши жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судида кўриб чиқилди. Суд Э.Юнусовни Жиноят кодексининг 97-моддаси (қасдан одам ўлдириш) 1-қисми билан айбдор деб топиб, 11 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади. Жазо тайинлашда Э.Юнусовнинг муқаддам жиноят ишлари бўйича Балиқчи тумани судининг 2023 йил 9 августдаги ажрими билан алмаштирилган ва ўталмай қолган 9 ой 26 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ҳам инобатга олинди.

Бир қарашда ушбу қотиллик оддий тортишув оқибатида юз бергандай туюлади. Лекин Э.Юнусовнинг муқаддам 4 маротаба судланганини назарда тутасак, кўп нарса ўз-ўзидан ойдинлашади. Унинг суд томонидан белгиланган ахлоқ тузатиш жазосини ўташдан бўйин товлаб келгани ҳам бунинг исботидир. Жиноят ишлари бўйича Балиқчи тумани судининг 2021 йил 14 октябрдаги ҳукмига асосан, Э.Юнусов Жиноят кодексининг 226-моддаси



(маъмурий назорат қодаларини бузиш) 2-қисми “а” банди билан айбдор деб топилди, 2 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. Жиноят ишлари бўйича Оҳангарон тумани судининг 2022 йил 24 июндаги ажримида биноан ўталмай қолган 1 йил 3 ой 20 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган. Аммо у яна қонун талабини менсимай, жазони ўташдан бўйин товлашда давом этган. Учтинчи маротаба жиноят ишлари бўйича Балиқчи тумани судининг 2023 йил 9 августдаги ажримида кўра, ўталмай қолган 9 ой 26 кун ахлоқ тузатиш ишлари шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган.

Шу тариха қонунни менсимаслик, қилган хатоларидан ўғри хулоса чиқармаслик, ичкиликбозлик каби қусурлар фожиали яқун топди. Агар санаб ўтилган иллатлар ўз вақтида бартараф этилганда бир инсон бевақт ҳаётдан кўз юммаган, иккинчиси умрининг анча қисмини панжара ортида ўтказмаган бўларди. Бу эса, ўз навбатида, бошқалар учун сабоқ вазифини ўтаса, ажаб эмас.



Янги ўқув йили учун мактабларнинг 1-синфига қабул 20 июндан бошланади.



Худудларни камбағаллик, ишсизлик ва жиноятдан холи худудга айлантириш бўйича "ТОШКЕНТИ ВИЛОЯТИ ТАЖРИБАСИ" яратилади.



Ўзбекистон Халқаро меҳнат ташкилоти МАЪМУРИЙ КЕНГАШИ аъзолигига сайланди.

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ

«ЭНГ ФАОЛ ИЖТИМОЙ ХОДИМ»ЛАР ТАҚДИРЛАНДИ!

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташаббуси билан ўтказилган «Энг фаол ижтимоий ходим» кўрик-танловининг Республика босқичи совриндорлари аниқланди.

«Энг фаол ижтимоий ходим» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритганлар:

- 1-ўрин: Фарғона вилояти Бағдод туманидан Хидиров Исможон Муҳитдин ўғли
- 2-ўрин: Тошкент вилояти Тошкент туманидан Хамидуллаева Умида Абдурафова
- 3-ўрин: Наманган вилояти Косонсой туманидан Жабборова Назоқат Абдусаматжон қизи

«Энг фаол ижтимоий ходим ассистенти» номинацияси совриндорлари:

- 1-ўрин: Фарғона вилояти Кўштепа туманидан Муҳамедова Шахнозахон Мурадид қизи
- 2-ўрин: Жиззах вилояти Зарбдор туманидан Эгамбердиева Шахринисо Эшқуватовна
- 3-ўрин: Навоий вилояти Қизилтепа туманидан Зайниева Гулрух Эшпулотовна



ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Навоий шаҳрининг "Бинокор" маҳалласида яшовчи 1-гуруҳ ногиронлиги бўлган Муҳаммад Асадов васансу.argo.uz платформаси орқали эълон қилинган бўш иш ўрнига ҳужжат топширди. Натижада у Навоий шаҳридаги 3-сонли мактабда тарих фани ўқитувчиси сифатида ўз фаолиятини бошлади.

Вақт, куч ва имконият асло беҳуда кетмасин

Электрон сўровнома тарзида ўтказилган ҳағлов жараёнида Навоий вилоятидан 1,5 минг нафардан зиёд ногиронлиги бўлган ишсиз фуқаро давлат ташкилотларида ишлаш имконияти билдириган. Хозиргача мазкур ҳудуд бўйича 338 та бўш иш ўрни эълон қилинган бўлиб, унда минг нафарга яқин ногиронлиги бўлган шахс иштирок этмоқда.

Ғиёс СОБИРОВ, Навоий шаҳридаги "Бинокор", "Лочин" ва "Янгиобод" маҳаллалари ижтимоий ходими.

Айни вақтгача 20 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланган бўлса, бўш иш ўринларининг 109 таси бўйича суҳбат жараёни давом этмоқда. Хусусан, Навоий шаҳрининг "Бинокор" маҳалласида яшовчи 1-гуруҳ ногиронлиги бўлган Муҳаммад Асадов васансу.argo.uz платформаси орқали эълон қилинган бўш иш ўрнига ҳужжат топширди. Натижада у Навоий шаҳридаги 3-сонли мактабда тарих фани ўқитувчиси сифатида ўз фаолиятини бошлади. Педагогика йўналишида таълимнинг магистратура босқичини тамомлаган бу йигитга янги жамоада иш бошлаш анча куч ва ғайрат бағишлади. У дарс беришдан ташқари, мустақил изланувчи сифатида илмий фаолиятини давом эттирмоқда. Умрзоқ Қулриев – 31 ёшда. Болалигидан ногирон, ҳаракатланишда муаммолари бор. У билан суҳбатлашганимизда фақат уйда ўтирган. Кўчага чиқишга, одамларга қўшилишга сира хохиши

бўлмаган. Хонадонига кириб борганимизда, бизни ёруғ юз ва ўзгача умид билан қаршилади. Ташқи кўринишидан анчагина бақувватлиги билиниб турарди. Имкониятлари катта экани, параспорт билан шуғулланиб, яхши ютуқларга эришиши мумкинлигини айтганимизда, бироз иккиланди. Ўзини синаб кўриш мақсадида пара ядро улоқтиришга қатнай бошлади. Икки ойлик машғулотлардан кейин маҳаллаларда ташкиллаштирилган паралимпиадада иштирок этди. Буни қаранг, йиллаб шу йўналишда шуғулланиб юрганлар қолиб, у Республикада 4-ўринни қўлга киритди. Умрзоқ аввал ҳафтада 3 кун машғулотларга борган бўлса, ғалабадан кейин ҳар куни 3-4 соат вақтини спортга бағишлапти. Олдига аниқ мақсадлар қўйиб, ҳаракат қилишни бошлади.

Ҳаёт шундай ажиб неъмат. Ўз устида ишлаган, синовларда енгилмаган инсонларни қутилмаган совғалар билан сийлашни яхши кўради. Аслида ҳар ким унга аталган имкониятлар эшигини ўзи очishi керак. Атрофдагилар фақат туртки ва кўмак бериши мумкин, холос.

Худудимизда шу каби 524 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли вакиллари истиқомат қилади. Фаолиятини бошлаганидан буён 31 та "кейс" очилган бўлса, уларнинг 25 тасини ижобий натижалар билан ёпишга муваффақ бўлдик. Одамлар рози бўлиб, кўрсатилган хизматлардан кўнгил тўласини ишни якунига етказамиз. Ҳеч кимнинг муаммоси ечимсиз қолиб кетмаслиги учун астойдил ҳаракат қилаямиз.

Иш жараёнида ҳар хил инсонлар билан гаплашамиз. Муаммо ва дардларини тинглаймиз. Биринчи навбатда, кайфиятини ўрганамиз. Кузатувларимиз натижасига кўра, кам таъминланган оилаларда тушқунлик кўпроқ сезилади. Айниқса, фарзандига етарлича шaroит яратиб бера олмаётгани, тўғарак ва қўшимча машғулотларга юбора олмаётганидан қунонади. Уларга бироз кўмак бериш мақсадида фарзандларининг 3 ойлик ИТ курсларида бепул таҳсил олишига ёрдамлашдик. Битирувчилар компьютер саводхонлиги ва дастурлаш бўйича бошланғич билим ва малакага эга бўлди. Бундан ташқари, 20 дан ортиқ оилага болалар нафақаси тайинланди.

Боланинг ота-она бағрида улғайганига нима етсин. Лекин турмуш ташвишлари, рўзгор юки баъзиларни оиласидан узоқда яшашга мажбур қилади. Хулудда 3 нафар вояга етмаган боланинг яқинлари хорихда ишлаш учун кетишган. Вақтида пул юбориб, моддий таъминотини қилиб турибди. Аммо уларнинг ёнида таълим-тарбиясини назоратга оладиган, қинғир ишлардан қайтариб турадиган одам бўлиши шарт. Шу мақсадда барчасига қариндошларини расман васий этиб тайинладик.

Ҳар бир эришилган ижобий натижадан куч оламан, янада илҳомланиб, кўпроқ одамларга ёрдам беришга интиламан. Аслида, эҳтиёжманд кишиларни қўллаб-қувватлаш, шарoитини яхшилаш – асосий вазифамиз. Лекин унга толириқ сифатида эмас, инсоний бурч деб ёндашиш бошқа нарса. Ёрдамга муҳтожларни бирини акамиз, бирини укамиздек кўрсак, чин дилдан унинг муаммосини хал қилишга қайғурсак, албатта, қутилган натижага эришамиз. Одамлар олдида юзимиз ёруғ бўлади. Асосийси, бизга берилган вақт, куч ва имконият беҳуда кетмасин!

СИЙРАТ

Болалар бобобувиси қўлида тарбия топса...



Шахноза РАҲИМХУЖАЕВА, "Mahalla" мухбири.

Болалигининг эслаганда, кўз ўнгимда биринчи бўлиб бобомнинг сиймоси намоён бўлади. Ёши 90 дан ошган, узун, қалпи соқоллари ошпоқ тусга кирган. Кўча бошидан масжидга беш маҳал қатнашни сира қапта қилмасди. Хар сафар намоздан қайтишда бир чойнак несик чой дамлаб, кутиб ўтирардим. Бобо-невара биргаланиб тамақ қилардик.

Эндигина 4-синфи тамомлаган бўлсам-да, қўлдан келганча бир нималар пиширишга ҳаракат қилардим. Уйдагилар ҳаммаси тонг саҳардан кеч хуфтонга қадар далага ишлаш учун чиқиб кетишарди. Шунинг учун кекса бобомга ўзим ғамхўрлик қилишга ҳаракат қилардим. Қўлимдан келмаган вақтлар ўзи ўқокбошига келиб ёрдам берар, шу аснода менга нимани қандай қилиш кераклигини ўргатиб борарди. Дастурхон атрофида ўтирар эканмиз, доим тарихий воқеалар, ибратли ҳикояларни айтиб берарди. Уй юмушларини бажараётганимда, тепамда туриб хато ва камчиликларимни кўрсатишдан эринмасди. Бир гапи ҳечам эсимдан чиқмайди:

"Қиз бола бировнинг омонати. Эртага кимнингдир уйига борсанг, сенга қараб ота-онанга баҳо беради. Бизни юзимизни ёруғ қиладиган фарзанд бўлгин, болам!"

Баъзан бу ўғитлар жуда сийқаси чиққандек, жаҳлимни чиқарар, баъзида эътибор бермасликка ҳаракат қилардим. Лекин уларни чинидек тозаласам, ҳовлининг ўтларини юлсам, олдига чақириб, жуда узоқ дуо қиларди. Бобомнинг кўнгли кўтарилгандан ичимга сиғмай кетардим. Яна нима қилсам, улар хурсанд бўларкан, деб ўзимга янги иш қидирардим.

Ҳозир ўйлаб қарасам, анча кексайиб қолган бўлишига қарамай, бобом мени доим назорат қилган, камчиликларимни ўз вақтида тўриладишга ундаган экан. Овқат қилишдан тортиб, меҳмон қутлиш, қўни-қўшинлар билан муомала, ота-онага хурмат, борингки, инсонийликнинг барча жиҳатларидан сабоқ бериб кетганини энди-энди англаяман. Сўзлаб берган ривоятларининг моҳиятини тушунишим учун ўттиз йил вақт керак бўлди.

"Қариси бор уйинг – париси бор", деган нақл бежиз айтилмаган, аслида. Бугун фарзанд тарбияси, унинг жамиятга нафи тегадиган инсон қилиб вояга етказиш каби масалалар долзарб бўлиб бораётган даврда, айниқса, унинг аҳамияти янада ортган. Болани замонавий тўғарак, янгидан-янги касблар бўйича билимини оширишдан аввал бобо-бувисининг ўғитларини эшитишига имкон берялмизми? "Ўғлим телефондан бош кўтармайди, қизим уй юмушларида ёрдамлашмайди", деб сикилгандан кўра, нурунийлар билан вақт ўтказишга шaroит яратайлик.

Фарзандларим ҳар сафар қишлоққа бориб, бутунлай ўзгариб қайтишди. Бобо-бувисининг айтган гапларидан анчагача таъсирланиб юришди. Сермулозамат, бир ишга уннамас, дарров югуриб келиб, қўлимдан оладиган бўлиб қолишди. Шунда ота-онанга кўнғирок қилиб, "қандай тарбия қилдинглар, умуман ўзгартириб юборибсизлар-ку", дейман ҳазил аралаш.

Лекин чиндан ҳам шундай, биз ота-оналар бола хато қилса, дарров койишга, дўқ қилишга ўрганиб қолганмиз. Ёши катталар аксинча, барчасини ётиғи билан, бамайлихотир тушунтиради, қилган ишининг оқибати ҳақида ҳижжалаб гапириб беради. Бундан бола ўзи учун керакли хулосани олиши аниқ. Бизнинг ўн қайта такрорлаган гапимиз қулоғига кирмаса кирмайди, аммо бувисининг бир оғиз сўзини миясига қўйиб олади.

Назаримда, психологик ёндашадиган бўлсак, ёши катталар ва болалар ўртасида қандайдир руҳий боғлиқлик мавжуд. Бу ришта меҳр, мурувват каби туйғуллар билан янада мустаҳкамланади. Шундай экан, фарзанд тарбиясида кекса авлод вакилларидан ўрганишимиз, ёрдам сўрасанга керак бўлган жиҳатлар жуда кўп. Айниқса, бу аънанани маҳаллаларда кенгрок тарғиб қилиш, оилалар билан ишлаганда, нурунийлар маслаҳати-га таяниб иш кўриш анча яхши самара беради.



ҚОНУНЧИЛИҚДАГИ ЯНГИЛИК

Оромгоҳда дам оладиган болалар қамрови кенгайтирилади

"Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам оладиган болалар қамровини кенгайтиришга қаратилган чоратadbirlar тўғрисида"ти Президент Қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра, тадбиркорлик субъектлари ва хўжалик юритувчи субъектларни жалб этган ҳолда белгиланган стациoнар болалар соғломлаштириш оромгоҳлари неғизда қуйидаги тартиб орқали ўзаро манфаатли ҳамкорлик лойиҳалари амалга оширилади:

- оромгоҳлар худудининг бир қисмида янги биноларни қуриш ёки мавжуд биноларни таъмирлаш ва жиҳозлаш шarti билан оромгоҳлар бино-иншоотлари ва ер участкаларининг бир қисмини 15 йилгача муддатга ҳамкорларга ижарага бериш;
- оромгоҳлар худудидида янги биноларни қуриш



ёки мавжуд биноларни таъмирлаш ва жиҳозлаш шarti билан оромгоҳлар бино-иншоотлари ва ер участкаларини ёзи мавсумдан ташқари пайтда фойдаланиш учун 10 йилгача муддатга ҳамкорларга ижарага бериш;

• оромгоҳлар худудидида янги биноларни қуриш ёки мавжуд биноларни таъмирлаш ва жиҳозлаш, шунингдек, ёзи мавсум пайтида оромгоҳлар ташкил этиш шarti билан оромгоҳлар бино-иншоотлари ва ер участкаларини 10 йилгача муддатга ҳамкорларга ижарага бериш.

Бунда мазкур назарда тутилган ҳамкорлик лойиҳалари Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан ишлаб чиқиладиган шартлар асосида ҳамкорларга "E-auction" электрон савдо платформаси орқали тақлиф этилади.

Шунингдек, белгиланган оромгоҳларнинг бино-иншоотлари ва ер участкаларини ёзи мавсумдан ташқари пайтда ҳамкорларга ижарага бериш орқали уларни ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказилади.



Олти нафар ўзбекистонлик спортчи 13 тонналик самолётни тортиб, РЕКОРД ЎРНАТДИ.



Ўзбекистонлик футболчи АББОСБЕК ФАЙЗУЛЛАЕВ Испаниянинг "Вильярреал" жамоасига ўтиши мумкин.



Жорий йилнинг 29-30 июнь кунлари Бўстонлик туманида "Sky Camp Bo'stonliq - 2024" TOF СПОРТ ФЕСТИВАЛИ бўлиб ўтади.

ПСИХОЛОГИЯ

Қизингизни қадрланг, бағрингизда бахтлидир

Қиз фарзанд тарбияси жуда позик ва эътибор талаб бўлган масала. Унда мувозанат, тарғиб ва тўғри ёндашув бўлмаса, хатога йўл қўйиши ҳеч гап эмас.

Жамила САЪДУЛЛАЕВА,
"Оила ва гендер" илмий тадқиқот институти мустақил тадқиқотчиси.

Қизлар ўғил болаларга нисбатан анча таъсирчан бўлади. Улардаги қайсарликнинг асосий сабаби нима истаётганини ва ҳиссиётини қандай ифода этишни билмаётганидир. Айниқса, ўсмирлик даврида бунга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Биринчи навбатда уни туйғуларини номини айтишга ўргатиш керак. Масалан, қимдандир хафа бўлгани ёки бирор мақсадни амалга оширишда қийналаётганини очикласин. Бу кўникмани тўғри шакллантириш учун турли китоб ва фильм қаҳрамонларининг ҳиссиётлари ҳақида гаплашиш яхши самара беради. "Нега у бундай қилди?",

"Кўнглидан қандай кечинмалар ўтди?", "Сен бундай вазиятда нима қилган бўлар эдинг?" каби саволларга яқинлари билан бирга жавоб излаш ўтиш давридаги боланинг ўй-хаёллари ҳақида янада кўпроқ билиб олиш имконини яратади. Қолаверса, бошқа одамларни тушунишга ва ўзининг кечинмаларини таниб олишга ёрдам беради.

Қизингизни яхши кўришингиз ва тушунишингизни тез-тез такрорлаб туринг. У сиз учун қанчалик қадрли эканини айтинг. Сўхбатлашишга, ҳаётида рўй бераётган вазиятларни муҳокама қилишга вақт ажратинг. Уни ўзингизга яқин олиб, бағрингизга босинг, вақти-вақти билан эркаланг. Ижобий фазилатлари ҳақида тўхталиб, руҳлантириб туриш ёддан чиқмасин.

Онаси билан бирга таом тайёрлаш, ширинликлар пишириш, сайр қилиш қиз бола учун энг сеvimли машғулотлар саналади. Шундай вақтларда дилдан сўхбатлашиш мумкин. Фарзанди ҳаётда ўз бахтини топишини истаган ҳар бир она шу жиҳатларга эътибор қаратиши фойдадан ҳоли бўлмайди.



Қизингизни яхши кўришингиз ва тушунишингизни тез-тез такрорлаб туринг. У сиз учун қанчалик қадрли эканини айтинг. Сўхбатлашишга, ҳаётида рўй бераётган вазиятларни муҳокама қилишга вақт ажратинг. Уни ўзингизга яқин олиб, бағрингизга босинг, вақти-вақти билан эркаланг.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

ЭР ЁКИ ХОТИННИНГ РОЗИЛИГИ ТАЛАБ ЭТИЛМАЙДИ

Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари уларнинг биргаликдаги умумий мулк ҳисобланади. Шунга кўра, нотариуслар томонидан битимли тасдиқлашда автомашина эгасининг турмуш ўрнатилишига розилиги талаб этилади.

Қуйидаги ҳолларда эса битимни тасдиқлаш учун эр ёки хотиннинг розилиги талаб қилинмайди:

- никоҳ қайд этилувчи қадар сотиб олинган;
- мерос тарқасида ёки ҳая шартномаси бўйича олинган;
- никоҳ давомида сотиб олинган автотранспорт воситаси никоҳ шартномасига асосан тақсимлаб олинган бўлса;
- эр-хотин ўртасидаги мулкни бўлиш тўғрисидаги суд ҳужжати ёхуд нотариал тартибда расмийлаштирилган келишув мавжуд бўлса.

ЭСЛАТМА!

Ҳар бир бола соғлигини сақлаш ҳуқуқига эга

Боланинг соғлигини сақлаш ҳуқуқи давлат томонидан қуйидаги йўллар билан таъминланади:

- малакали тиббий хизмат кўрсатилишини ташкил қилиш;
- боланинг, унинг ота-онасининг саломатлигини назорат қилиш ва болалар касалликлари профилактикаси;
- болалар ва ўсмирларни даволаш-профилактика муассасаларида диспансер кузатувини олиб бориш ҳамда даволаш;
- талаб даражасидаги сифатга эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ва сотилишини назорат қилиш;
- боланинг физиологик хусусиятлари ва соғлиғи ҳолатига жавоб берадиган таълим олиш ҳамда меҳнат қилиш шароитларини яратиш;
- касбга яроқлиликни аниқлашда бепул тиббий маслаҳат бериш;
- санитария-гигиена таълими бериш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва рағбатлантириш;
- соғлиқнинг ҳолати тўғрисида бола учун қулай бўлган тарзда зарур ахборотни тақдим этиш.

Давлат соғлом бола туғилишини таъминлаш учун онага унинг соғлигини сақлаш шароитларини яратади ҳамда давлат болаларга қонунчиликка мувофиқ ҳажмда бепул тиббий ёрдамни кафолатлайди.



2021 йилда ҳудудда 17 та ажралиш қайд этилган бўлса, бу кўрсаткич 2022 йилда 7 тани ташкил этди. 2023 йилда 5 тага тушди. 2024 йил ҳали бу масалага дуч келмадик.

Кичик қадамлар билан катта мақсадлар сари

Бугунги куннинг аёли дунёқараш, онги, кизикниши ва интилиши билан кечаги кундан тубдан фарқ қилади. У тобора олдига катта-катта мақсадларни қўйишни бошлаган. Қилаётган меҳнат билан онласи ҳамда жамият равиши учун муносиб равишда ўз ҳиссасини қўйишга бел боғлаган. Бунинг учун яратиб берилаётган шарт-шароит ва имкониятлар етарли.

Сурайё ТИЛОВОВА, Навоий шаҳридаги "Чинор" маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Хонадонна-хонадон юриб, хотин-қизлар билан сўхбатлашар эканмиз, ҳаммасининг қалбидан бирор янги иш қилиш, даромад топиш истаги борлигини сезаман. Айрим-айрим шиддат билан тадбиркорликни йўлга қўйса, баъзиларига бироз қўрқув ва ҳадик йўл бермайди. Шундай вақтда уларни ҳар ой ташкил этилаётган тадбиркорлик курсларига жалб қиламиз. У ерда малакали мутахассислар ва банк ходимлари 16 соатлик дарс жараёнида хусусий бизнесни йўлга қўйишнинг энг майда жиҳатларига хижжал ташутиришади.

Айни вақтда уйда ўтирган аёл йилига 340 минг сўм тўловни амалга ошириб, ўзини ўзи банд қилган ҳолда 5 миллион сўмдан 20 миллион сўмгача кредит олиш имконига эга. Кичик қадамлар билан катта манзилга отланган маҳалладошларимиз талайгина. Жумладан, Муносиб Турсунова 2023 йилда "Аёллар дафтари"га киритилган эди. Арзимас тушунмовчилик сабаб оиласи бузилгач, 3 нафар фарзандини оёққа турғазини унинг зиммасига тушди. Аввалига маҳалла тавсияси билан 33 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, 4 та тикув машинаси харид қилди. Бу хунардан билим ва малакага эга экани унга анча қўл келди. Ёнига 3 нафар хотин-қизни ишга олиб, тадбиркорликни йўлга қўйди. Фаолиятини бошлаганига бир йил тўлмай, анча миқдорга эга бўлди. Сифатли ва замонавий либосларни буюртма асосида тикиб, эл дуосини олапти.



Аёллардаги шижоатни кўриб, баъзан ўзим ҳам янги билим ва хунарлар ўрганим келиб кетади.

2023 йил ва 2024 йилнинг шу даврига қадар 10 нафар аёлга субсидия ажратилди. Улар, асосан, тикувчилик, қандолатчилик ҳамда хунармандчилик йўналишларида иш бошлади. Керакли асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди. Айни вақтда маҳалламизда 47 нафар хотин-қиз тадбиркорлик қилиб, яхши натижаларни қўлга киритиб келмоқда. Ҳаммаси йилдан-йилга фаолиятини кенгайтириб, аҳоли бандлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Турли хомашёлардан сунъий гул ясаш бўйича Наргиза Ҳайитованинг олдида тушадигани йўқ. 10 нафардан зиёд шоғирди билан яратган санъат асари намуналари республика даражасидаги турли танлов ва кўргазмаларда фахрли ўринларни банд этиб келмоқда. 2-3 йиллик сабр ва меҳнат ўз самарасини кўрсатмоқда.

Аёллардаги шижоатни кўриб, баъзан ўзим ҳам янги билим ва хунарлар ўрганим келиб кетади. Илм худди машъал сингари инсон йўлларини ёритиб беради. Зулматда ётган имкониятлар, янги манзиллар сари ундайди. Оиласига даромад келтиришдан ташқари, фарзандларининг тарбиясида янгича ёндашув пайдо бўлади. Аслида, жамиятда хотин-қизларнинг фаолигини ошириш, илму маърифатли қилишдан кўзланган мақсад – келажак авлодни муносиб тарбиялаш.

Тахлилларга эътибор берсак, аёлларнинг ижтимоийлашуви маҳалла кўрсаткичларига сезиларли даражада таъсир этаётганини кўриш мумкин. Айтайлик, 2021 йилда ҳудудда 17 та ажралиш қайд этилган бўлса, бу кўрсаткич 2022 йилда 7 тани ташкил этди. 2023 йилда 5 тага тушди. 2024 йил ҳали бу масалага дуч келмадик.

Айтмоқчиманки, аёлнинг дунёқараш қанча кенг бўлса, оилалар мустаҳкам, жамият ҳаёти фаровон бўлиб бораверади. Шу мақсад йўлида олиб бораётган ишларимиз натижасини кўриш биз учун жуда қувонарли.